



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 7 июнь, № 116 (7074)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЦИНДАО ШАХРИДА БЎЛАДИГАН ШХТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 — 10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенга-шининг Циндао шаҳрида ўтадиган ўн саккизинчи мажлисида иштирок этади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари илк бор Ҳиндистон ва Покистоннинг тўла ҳуқуқи аъзо сифатидаги иштироки-да ййиладилар, ташкилот фаолиятини янада такомиллаш-тиришнинг истиқболли йўналишлари, минтақавий хавф-сизлик, иқтисодий ва инвестициявий шериклини кенгай-тириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ҳамда кўп томонлама коопе-рациянинг бошқа жиҳатларини муҳокама қиладилар.

Давлат раҳбарларининг мажлиси якунида Циндао декла-рацияси қабул қилиниши, Терроризм, сепаратизм ва экс-тремизмга қарши курашиш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йиллар-га мўлжалланган ҳаракатлар режаси, Ёшларга қўшма му-рожаат ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Фикр алмашувлардан сўнг 2018-2019 йилларда ташки-лотта раислик қиладиган давлат тўғрисида қарор қабул қилиш, кейинги уч йиллик даврга ШХТ бош қотиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори лавозимларига номзодларни тасдиқлаш қўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШХТ саммити доирасида икки томонлама қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 — 10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенга-шининг Циндао шаҳрида ўтадиган ўн саккизинчи мажлисида иштирок этади.

Циндао саммити ШХТ ривож учун янги истиқболларни очади

Цзян Янь, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси:



— Шу йилнинг 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Шаньдун провинцияси Циндао шаҳри-да ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 18-мажлиси бўлиб ўтади. Ташкилотга асос солинишидан буён ўтган вақт ичида ШХТ аъзо-лари “Шанхай руҳи”га тая-ниб катта муваффақиятлар-га эришдилар.

Тузилма фаолиятининг моҳиятини белгилوви хавф-сизлик, тараққиёт ва ҳамкор-ликнинг янги концепциялари барчани қониқтирадиган, ўзгача халқро муносабат-лар шакли бўлиб, ХХР Раиси Ци Шиньинг томонидан илгари сурилган “Инсоният-нинг муштарак тақдирлари ҳамжамияти” қуриш йўлида-ги энг яхши воситалардан бирига айланмоқда.

Агар ШХТни улкан кема-га қиёсласак, ШХТ давлат раҳбарлари Кенгаши унинг ҳаракатланишига масъул ка-питандек, гўё. Сиёсат, хавф-сизлик, иқтисодийёт ҳамда гуманитар соҳадаги ҳамкор-лик — бу кеманинг тўртта кудратли “двигатели”дир. Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси ташаббус-ини ижобий қарши олган ШХТ аъзолари сўнгги йил-ларда савдо, инвестициялар, иқтисодиёт, технологиялар, телекоммуникациялар, аграр ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада чуқур-лаштиришга эришдилар ҳамда бу сезиларли натижа-лар бермоқда.

Ташкилот таъсис қилинган пайтидан бошлаб ўз фао-лиятини аъзо давлатларнинг тараққий этиши учун осой-ишта муҳитни шаклланти-ришга ва шу асосда янада кенгрок ривожланиш майдо-нини яратишга қаратиб кел-моқда. ШХТ доирасида куч-ли таъсирга эга бўлган ак-силтеррор механизм яратил-ди, аъзо мамлакатлар унга таъанн ҳолда, хавфсизлик-ка раҳна солаётган турли тах-дидларга яқдиллик билан кескин жавоб қайтармоқда-лар, терроризм, айирмачи-лик, экстремизмга қарши биргаликда курашаётганлар.

(Давоми 2-бетда).



Анжуман

Бошқарув соҳасида маҳакали кадрлар зарур

Президентимизнинг шу йил 21 майдаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига қабул тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қабулнинг янги тартиби ва квоталари тасдиқланди.

Унга кўра, 2018/2019 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратура босқинига 60 нафар, шунингдек, бошқарув кадрларини “Давлат бошқаруви” мутахассисли-ги бўйича қайта тайёрлаш курс-ларига жами 120 киши қабул қилинади.

Яна бир жиҳати шундаки, магистратура йўналишига грант асосида ўқишга фақат давлат

ҳокимияти ва бошқаруви орган-лари, шунингдек, давлат муассас-салари ҳамда ташкилотлари хо-димлари қабул қилинади. Магист-ратура босқинига 60 нафар, шунингдек, бошқарув курсла-рига қабул қилиш учун шахсларни тавсия этиш ҳуқуқига нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ННТ, балки тадбиркорлик субъектлари ҳам эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).



АСОСИЙ МАҚСАД — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

Сергели туманида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар яна кўплаб юртдошларимизнинг бахт манзилига айланиши муқаррар.

Одамга, турли тағбирлар, саёхатлар чоғида хорижлик меҳмонларнинг Ўзбекистон ҳақидаги фикрлари билан қизиқиб, бир маълумот ҳақида ҳам сўраймиз: «Юртингиз фуқароларининг ўз уй-жойи билан таъминланганлик даражаси қандай?».



Бунёдкорлик



Ушбу саволга аксарият ҳолларда “Бизда уй сотиб олиш анча қийин. Шунинг учун кўпчилик фуқароларимиз ижарама-ижара яшаб юришади”, деган жавобни эшитамиз. Бу фикрни хорижга бориб, бир муддат яшаб келаётган ҳамюртларимиз ҳам тас-диқлашади.

Сизу биз яхши биладиган, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам ўз тураржойига эга бўлиш жиддий муаммага айланган ҳозирги шароит-да Ўзбекистонга бир назар ташланг. Бугун юртимизда аҳолини уй-жой би-лан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлардан беихтиёр қалбинг қувонгча тўлади.

Биргина пойтахтимизнинг Сергели тумани чин маънода қурилиш майдо-нига айланди, десак, аини ҳақиқат. Бу ерда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 22 ноябрдаги “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квар-тирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбир-лар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўркам тураржойлар бунёд этилаётир.

Бу ерда ўтган йили қисқа муддат-да 102 та кўп қаватли уй барпо қилин-гани нафақат худуд чиройига чирой қўшди, балки қарийб 4 мингдан ортиқ оилаларга олам-олам шодлик, чина-кам бахт олиб кирди. Эътиборлиси, мазкур саёй-ҳаракатлар изчил давом этапти.

Гап шундаки, жорий йил туманда яна 120 та ана шундай замонавий ҳамда арзон кўп қаватли уй қурилиб, ўз эгаларига топширилиши режалаш-тирилган. Бунинг учун ушбу тураржой-лар қурилишига масъул барча таш-килот, қурувчилар бор салоҳиятини сафарбар қилмоқда. Айни пайтда қурилиш худудиди иш қизгин.

— Халқимизга шунчаки, номига-гина бошпана эмас, барча шароит-га эга бўлган мукаммал, мустаҳкам, арзон ва замонавий уй керак, — дейди “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси худудий раҳбари Баҳодир Жабборов. — Давлатимиз раҳбари массивда амал-га оширилаётган бунёдкорлик ишла-ри билан танишганлариди, бу ҳақда такрор-такрор таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).



«Ўзбекистон Президенти мамлакат сиёсати ва иқтисодиётини ўзгартиришга қатъий қарор қилган ислохотчидир»

Хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп қилинаётган мақолаларда ана шундай фикр билдирилмоқда.



1995 йилдан бери фаолият юритиб келаётган дунёга машҳур “Project Syndicate” электрон порталида жой-лаштирилган мақолада қайд этилиши-ча, мамлакат Президенти лавозимига сайлангач, Шавкат Мирзиёев сўз эркинлигини таъминлашни ўз ислохот-

да валюта устидан назоратнинг бекор қилиниши муҳим қадам бўлди. Янги Солиқ кодекси устида кенг муҳокама-лар олиб борилмоқда. Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик янги тус олди”, дейилади мақолада. Пахта экиладиган майдонларни камайитириш, мажбурий меҳнат амалиётига чек қўйиш, ерлар-ни хусусийлаштириш бўйича ислохот-лар устувор аҳамият касб этмоқда.

Тахлилчиларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга та-тиб қилинган чора-тадбирлар мамлакат-нинг минтақа ҳамда дунё даражасидаги имиджи юксалишини таъминлади. Жум-



ладан, кўплаб давлатлар билан виза тар-тибининг бекор этилиши ёки соддалаш-тирилиши, қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашуви катта шов-шувга сабаб бўлгани таъкидланади.

“Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон сиё-сати ва иқтисодиётини ўзгартиришга қатъий қарор қилган ислохотчидир. Ўзбекистондаги трансформация жараёни хорижий сармоядорлар учун фойдали бўлади”.

“Reuters” ахборот агентлиги



Ўзбекистон автомобиль саноатида кечаётган жараёни тахлил этар экан, ҳукумат Американинг “General Motors” компани-яси мамлакатдаги автомобиль заводида қиритган тегишли акция-ларни сотиб олишни режалаштираёт-ганини хабар қилади.

“Анджон вилоятидаги корхона 1996 йили Жанубий Корейнинг “Daewoo Motors” компанияси билан ҳамкорлик-да ташкил этилган эди”, дея эслатиб ўтади агентлик. 2008 йил “GM” корпо-рацияси “Daewoo”ни сотиб олганидан сўнг завод “GM Uzbekistan” номини олган. 2017 йили республикада авто-мобил ишлаб чиқариш 50 фоиз орт-ди. Ушбу машиналар ички бозорда “Chevrolet”, ташқи бозорларда эса “Ravon” бренди остида сотилади.

(Давоми 2-бетда).



Депутат фикри

Мамлакатда таълим сифатини, унинг жамият-да кечаётган ислохотлардаги ўрни ва иштироки-ни таъминламай туриб, тараққиётга юз туттиш мушкул. Шу маънода, юртимизда халқро талаб-ларга жавоб берадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир.

Профессор-ўқитувчилар фаолияти талабанинг ўзлаштириш даражаси билан баҳоланади

Сўнгги йилларда янги олий ўқув юртлари ташкил қилиниши, кадрлар тайёр-лашнинг замонавий метод ҳамда усулларининг қўлла-нилиши, таълим тизимида сиртқи ва кечки бўлимлар-нинг очилиши, қолаверса, олий таълим муассасалари-га қабул квоталарининг кўпайтирилиши фикримизга яққол мисол бўла олади.

Очигини айтиш керак, олий таълим муассасалари-да таълим сифатини оши-риш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларда мазкур муассасаларнинг фаол иштирокини таъмин-лашга гов бўлаётган муам-молар ҳам, афсуски, кўзга ташланади.

Президентимизнинг шу йил 5 июндаги “Олий таъ-лим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва улар-нинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамров-ли ислохотларда фаол иш-тирокини таъминлаш бўйи-ча қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу бо-радаги муаммоларни барта-раф этиш, таълим сифатини янада юксалтиришга қарат-тилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирилик ҳамда идо-ралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муас-сасаларида “талабанинг

(Давоми 2-бетда).



Долзарб мавзу

ТЕСТ СИНОВЛАРИ адолатли ўтиши учун қатор ўзгаришлар қилинди

Ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий андозалар асосида таълим олиши ҳамда давлат тараққиёти учун фидойи мутахас-сисларни тайёрлаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вази-фасига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур йўналишда амалга оширилаётган туб ислохотлар ўғил-қизлари-мизнинг илму фанга бўлган қизиқишини кучайтириб, изланишга ундамоқда.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 4 июнда имзоланган “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекис-тон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул

қилиш тўғрисида”ги қарори қалби бир олам орзу умидларга тўла ёшларимиз учун навбатдаги имкониятдир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон

Республикаси олий таълим муассас-аларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун 69 200 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 17 654 нафар ва тўлов-контракт асосида — 51 546 нафар, магистрлар учун 5 903 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1 552 нафар ва тўлов-контракт асосида — 4 351 на-фар, махсус сиртки бўлимларда бакалаврлар учун 11 765 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 15 нафар ва тўлов-контракт асоси-да — 11 750 нафар этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).



Циндао саммити ШХТ ривожига учун янги истиқболларни очади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ШХТ минтақавий ақсилтерроор тузилмаси доимий ишловчи икки органдан бири сифатида ўз фаолияти мобайнида қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқди. Хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик жараёнини йўлга қўйиш учун мустақкам ҳуқуқий асос ҳозирлади, аёзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини самарали тарзда мувофиқлаштириб борди.

2017 йилги Остона саммитида ШХТнинг экстремизмга қарши кураш бўйича конвенцияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжат жаҳонда шу йўналишда қабул қилинган илк конвенциядир. Шунингдек, сўнгги йилларда ШХТнинг бир қатор ақсилтерроор ўқув-йиғинлари ҳамда ушбу таҳдидларга қарши қаратилган биргаликдаги амалиётлари аёзо давлатларнинг бу борадаги ҳаракатларини ўзаро ўйғунлаштирди.

Кучларни бирлаштириш, бир-бирининг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, тобора тараққий топиб, энг муҳим масалаларда бир ёқадан бош чиқариш аънасаларига содиқ қолган ШХТ сўнгги 17 йил ичида ўзига хос “Муштарак тақдирлар ҳамжамияти”ни шакллантирди. 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистон ШХТга расман аёзо бўлиб киргач, нафақат ташкилот

«Ўзбекистон Президенти мамлакат сиёсати ва иқтисодиётини ўзгартиришга қатъий қарор қилган ислохотчидир»

Хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп қилинаётган мақолаларда ана шундай фикр билдирилмоқда.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).



тарифларни пасайтиргани, ишбилармонлар учун виэза тартиби содда-лаштирилгани алоҳида эътироф қилинади.

Ҳиндистоннинг **“The Times of Central Asia”** журнали юртимизнинг Тошкент вилоятида “Чорвок” эркин сайёҳлик худуди ташкил этилиши ҳақидаги хабарни ўз ўқувчилари билан бўлишди.

“Экспертларнинг айтишича, пойтахт вилояти туризм жабҳасида салмоқли салоҳиятга эга бўлиб, янги зонани ташкил қилиш орқали мазкур имкониятдан самарали фойдаланиш мақсад этилган. Бу ерда қатор замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, аҳоли ва чет элликларнинг хордиқ чиқариши учун шароитларни яхшилаш, туризм хизматлари соҳасида янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда”, деб ёзилди журналда.

“The Times of Central Asia” хиндистонлик тадбиркорларни ушбу худудга сармоя киритишга чорлайди. “Эркин туристик зона субъектлари учун қатор солиқ ҳамда божхона имтиёзлари берилиши кўзда тутилган. Шубҳа йўқки, киритилган инвестициялар қисқа муддатда ўзини оқлаб, сиз, бизнес соҳаси вакилларига фойда келтиради”, дейилади мақолада.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ адолатли ўтиши учун қатор ўзгаришлар қилинди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яъни бу йил қабул миқдори оширилиб, янги таълим йўналишлари очилгани илмга чанқоқ ёшларимизни қувонтиргани, шубҳасиз. Айни пайтда энг муҳим масала — тест синовларини ўтказишда ҳам қатор янгиликлар жорий этилгани улар учун айна мудида бўлди.

Хўш, бу янгиликлар нималардан иборат?

Тан олишимиз керак, бүгунги кунга қадар ўтказилган тест синовлари кўп томонлама замонавийликдан, илгор тажрибалардан орқада қолаётган эди. Буни тайёргарлик ишларида ҳам, синовларни ташкил этиш, натижаларни ҳисоблаш ва эълон қилишда ҳам кўрдик. Қувонарлики, хозирги вақтда бу йўналишда киритилган ўзгаришлар эвазига ана шундай муаммолар бартараф этилди.

Номи юқорида келтирилган ҳужжат қабул қилинмасдан аввал Давлат тест марказида кам штат мавжуд эди. Айни пайтда бу ерда 150 нафардан зиёд ходимлар меҳнат қилмоқда, жумладан, худудлар учун ҳам кўпроқ штат ажратилди. Шунингдек, ходимларимиз тестология соҳаси ривожланган АҚШ, Англия, Япония, Жанубий Корея ва Россия каби давлатларда малака ошириш, илгор тажрибаларни ўрганиш, замонавий усулларни ўзинида таътиб этиш имкониятига эга бўлдилар.

Энди абитуриент билиши шарт муҳим ўзгаришларга эътибор қаратсак. Бу ерда, биринчи навбатда, улар тест синовлари кундузги, махсус сиртки ва кечки (сменали) таълим учун ҳар йили 1 августдан 15 августга бўлган муддатда, кунига икки сменада

Бу йилдан бошлаб тест синовлари 15 кун давомида, ҳар кун 2 сменада ўтказилишини инобатга олган ҳолда абитуриентлар рухсатномасида, тест синовида қатнашиш кун ва сменаси (соати) кўрсатиладиган бўлди. Демак, абитуриент 15 кун давомида фақат бир мартаба тест синовида иштирок этиши мумкин.

Бошқа кунлар ёки белгиланган сменада у тест синовларига қўйилмади.

Шу ўринда тест синовларига абитуриентлар барча таълим йўналиши бўйича аралаш ҳолда қатнашадими ёки бошқача тартиб белгиландими, деган ҳақли савол туғилди. Бу, айтиш керакки, олий таълим муассасаларининг қайси таълим йўналишига қанча абитуриент ҳужжат топширишига боғлиқ. Маълумотлар аниқ бўлгач, тест синови топшириш жадвали тақдим этилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тест материаллари белгиланган муддатларда худудларга юборилади ва ҳар кун Давлат тест марказига қайтарилади.

Натажалар тест синови ўтказилган куннинг эртасигаёқ Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Натажаларнинг тезкор эълон қилиниши учун жа

АСОСИЙ МАҚСАД — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

Сергели туманида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар яна кўплаб юртдошларимизнинг бахт манзилига айланиши мўқаррар.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз қурилиш ишларини айнан шу тамойил ҳамда қимматли тавсиялар асосида ташкил этиб, ҳеч бир масалани эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, аҳоли учун шу ернинг ўзида барча қулайлиқни яратишга бел боғлаганмиз. Ҳозирги кунда мазкур масъулиятли вазифа 30 дан ортиқ тахрибали пудрат ташкилотлари, 7 мингга яқин малакали қурувчилар жалб қилинган.

Худуд раҳбари Б. Жабборовнинг айтишича, уйлар 7 қаватдан иборат бўлиб, уларнинг фасад қисми ҳам, хоналарнинг жойлашуви ҳам ўтган йили топширилган уйлардан фарқли жиҳатларга эга. Яъни ташки дорларни сувоқсиз, ранг ҳам берилмайдми. Чунки вақт ўтиши билан сувоқ ишлари қўчиши ёки ранги кетиши мумкин. Шу боис янги уйларнинг фасад қисми табиий қизил гишт билан қопланиб, ўзига хос дизайнга эга бўлади.

Квартиралар 2 ва 3 хонали бўлиб, уларга алоҳида-алоҳида қилилади. Бу эса аҳоли талабига жуда мосдир. Аънаъанавий тарзда замонавий эшиклар, пластик ромлар ҳамда лифт ўрнатилади, йўлақлар ва хонадоннинг асосий кириш эшиклари темирдан бўлади. Қолаверса,

ҳар бир квартирада махсус иситиш тизими ҳамда аппаратлар ўрнатилади. Интернет ва ТВ-кабель тармоғига уланиш учун ҳам қулайлик яратилади.

Бундан ташқари, Президентимиз илгари сурган гоа асосида иккита оилавий поликлиника ҳамда туртта мактабгача таълим муассасасини танлов асосида уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватида мос ҳолда жой

лаштириш, шунингдек, пиёдалар йўлакчаси, болалар майдончалари, чикиндиҳоналар, автотураргоҳлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш кўзда тутилган. Бу фуқароларимизнинг талаб-истаклари ҳамда манфаатлари йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардан биридир. Дарвоқе, авваллари аксарият қурилиш маҳсулотлари четдан олиб келинарди. Шу боис



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Худудда ўтган йили қисқа муддатларда **102** та кўп қаватли уй барпо қилиниб, қарийб **4000** дан ортиқ оиаларга олам-олам шодлик, чинакам бахт туҳфа этилди. Жорий йилда эса **120** та ана шундай замонавий ҳамда арзон кўп қаватли уй қурилиб, эгаларига топширилади. Энг муҳими, яна **5000** дан ортиқ оиалар ўз бошпанасига эга бўлади. Бу ўртача 15 — 20 минг киши қалбига бир дунё қувонч киради, демакдир.

ҳадемай, Сергели тумани янада гўзал масканга айланади, қўримсиз ва ташландиқ ерлар ўрнини замонавий кўп қаватли уйлар эгаллайди. Энг муҳими, яна 5 мингдан ортиқ оиалар ўз бошпанасига эга бўлади. Бу ўртача 15 — 20 минг киши қалбига бир дунё қувонч киради, демакдир. Бир кишининг кўнглини кўтариш, мушуқлини осон қилиш эса мўқаддас жойларни обод қилиш билан баробар эканлигини инобатга олсак, бунинг хосияти, савоби бисёр.

Албатта, бундай бунёдкорлик ишлари, қулай шарт-шароитлар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлйдир. Лекин шунч ҳан тан олиш жоизки, ташкил этилган махсус ишчи гуруҳлари ўрганишлари пойтахтимизнинг айрим худудларида ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Демак, ҳали бу борада қилинадиган ишлар талайгина. Бунинг учун аҳоли ичига янада қучур кириб бориш, ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила турмуш тарзидан боҳабар бўлиш лозим. Бу эса мутасаддилардан жуда катта масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Раҳим ШЕРҚҮЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Профессор-ўқитувчилар фаолияти талабанинг ўзлаштириш даражаси билан баҳоланади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тўғри, авваллари мунтазам равишда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишларга ҳамда бошқа тадбирларга жалб этилиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Қарорда мана шундай муаммолни масалалар ечимига ҳам эътибор қаратишганки, эндиликда профессор-ўқитувчилар фаолиятиндан ташқари ишларга жалб қилинмайдми. Бу ҳам ўқитувчиларнинг изланиши учун кенг имкониятлар яратилаётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий меъзони” тамойилининг жорий этилиши, ўз навбатида, талабаларга ҳам

катта масъулият юклайди. Бунда талабалар ўқишга фидойилик билан ёндашиш, муассаса талабларини бажариш, дарсларга ўз вақтида келиш ва фаол қатнашиш каби масъулиятларини тўлиқ англаб етишлари лозим. Бу эса айнан абитуриентлик даражасидаги саралаш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Хусусан, абитуриент олий таълим муассасасини ўз қизиқиши, салоҳияти ҳамда келажақдаги ўрнига қараб танлаш кераклиги ҳам муҳим ўрин тутди. Шундагина талабалик давридаги ўқиш жараёнида қўйиладиган талабларга амал қилиш ва унинг машаққатларига чидаш осон кечади, пировардида эса талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро тушуниш, ҳурмат, фанга қизиқиш шаклланади. Қарор билан олий таълим муассасаларига қабул жараёнининг ҳам такомиллаштирилиши айнан абитуриент

учун мос олий таълим муассасасини танлаш имконини беради.

Қолаверса, олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ этиш жараёнида фаол қатнашиш бора-сидаги масъулиятини қучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирларнинг белгиланиши, ҳар бир ректор ва проректор учун ушбу йўналишда алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиши, янги гоа ҳамда ташаббусларни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасасида “Ёш экспертлар гуруҳи”нинг ташкил қилиниши ҳам мазкур тизим самарадорлигини янада оширишда устувор аҳамиятга эга бўлади.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Бошқарув соҳасида малакали кадрлар зарур

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пойтахтимизда Давлат бошқаруви академияси томонидан “Мамлакатимизда бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги долзарб масалалар ва истиқболдаги вазифалар” мавзuida ташкил этилган анжуманда тизимдаги ана шундай ўзгаришлар, истиқболдаги режалар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда Давлат бошқаруви академияси фаолияти ислоҳ қилиниб, давлат ҳамда жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга

оширилди. Юқори малакали бошқарув кадрлари захираси шакллантирилди. Академия ҳузурида мамлакатимизнинг истиқболли ёш мутахассисларини қайта тайёрлайдиган ҳамда малакасини оширадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилгани айна мудида бўлди.

Бунда давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Академиянинг таркибий бўлинмаларида фаолият юритувчи раҳбар кадрларнинг қарийб 70 фоизи янгиланди, — дейди Академиянинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Худойкул Азизов. — Бунда ёш, илмий даражага, бошқарув салоҳиятига эга, ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирган юқори малакали кадрларга устуворлик берилди.

Тадбирда, халқаро ҳамкорлик, секторлардаги фаолият ҳамда истиқболдаги режалар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Р. ОТАМУРОВОВ.

Мамлакатимиз маданий меросининг хориждаги тақдимои

Санкт-Петербургдан жамоатчи муҳбиримиз Рустам ЖАББОРОВ хабар қилади.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 6 — 8 июнь кунлари “Ўзбекистон маданий мероси халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл” II халқаро конгресси бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан бир қатор давлат, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилмоқда.

Ушбу тадбирдан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг бой ва бетакор маданий меросини чуқур ўрганиш ҳамда дунё миқёсида кенг тарғиб этишдан иборат.

Кеча анжуман доирасида Санкт-Петербургдаги Россия этнография музейи, Россия Миллий кутубхонаси, Давлат Дин тарихи музейи, Шарқ қўлэзмалари институти ва бошқа бир қатор илмий ҳамда маданий муассасаларда Ўзбекистонга оид кўргазмалар ташкил қилинди. Шунингдек, ушбу маданий масканларига юртимизнинг меъморий ёдгорликларидagi эпиграфика санъати ҳақида сузловчи “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” китоб-альбомлари бегараз туҳфа этилади.

— Россияда мамлакатимизга оид жуда катта миқдордаги тарихий экспонатлар, маданият дурдоналари, ноёб қўлэзмалар сақланяпти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлари тадиққ этиш маркази директори, фалсафа фанлари доктори Р. Баходиров. — Биз айни пайтда бу мамлакатдаги музейлар, илмий муассасалар билан илмий тадиққотлар соҳасидаги ҳамкорликни мустақкамлаш бўйича фаол иш олиб бормоқдамиз. Муҳими, Россиялик ҳамкорларимиз бизнинг тақифиқларимизни мамнуният билан қабул қилишяпти. Мазкур халқаро анжуман алоқаларимизни янада кенгайтиришда янги босқинчи бошлаб беришига ишонамиз.

Конгресс доирасида бугун, 7 июнь кунчи мамлакатимиз ва хориждаан таширф бюуруган олимлар иштирокида шубҳаларга бўлинган ҳолда, илмий мунозаралар ўтказилиши белгиланган.

Халқаро конгрессда 30 зиёд давлатлардан таширф бюуруган олимлар ва мутахассислар, йирик музейлар ҳамда илмий марказлар вакиллари иштирок этмоқда.

ларга қулайлик туғдиради. Булардан ташқари, яна Давлат тест марказининг расмий сайтида ҳар бир фандан учта тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида) 30 та саволдан иборат намунавий тест топшириқлари варианты киритилди.

Тест топшириқларининг намунавий вариантлари тасдиқланган талабалар кодификатори ва тест топшириқлари тафсилотлари асосида тайёрланган бўлиб, абитуриентларга, уларнинг устозлари ва кенг жамоатчиликка умумтаълим фанлари бўйича бўлуғуси имтиҳоннинг шакли, мазмунини, мураккаблик даражасини кўрсатиш учун мўлжалланган. Шу билан бирга, “Ахборотнома” журналининг 2 та махсус сониди ҳар бир фандан 4 тадан вариантда ва ҳар бир вариантда 30 тадан тест топшириқлари чоп этилди. Ушбу тест топшириқлари бу йилги тест синовларида ишлатиладиган базалардан олинганлигини ҳисобга олсак, улар абитуриентлар учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Аниқроқ айтганда, ушбу вариантлар ва тест топшириқлари бошқа методик наشرлар билан бир қаторда абитуриентларга қабул тест синовларига тайёргарлик қўриш учун катта ёрдам беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчимизки, барча ишлар охирига етакзилди, дейишга ҳали эрта. Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган талабларни бажаришда тегишли вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Барча куч ва имкониятлар шуларга қаратилган. Мақсад — тизимда шафдофликни таъминлаш, ёшларимизни таълим олишга бўлган қизиқишини рағбатлантириш.

Мажит КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори.

ги ҳамкорларимиз билан яқин алоқадамиз. Ҳамкорлик давомида тестология, педагогик ўлчов, тест

БУГУНГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР КЕРАКЛИ ПАЙТДА ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ОБИҲАЁТ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Шу йил 29 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида аксарият ҳудудларда сув танқислиги юзага келаётган бу йилги деҳқончилик мавсумида обиҳаётдан оқилона фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Глобал иқлим ўзгариши оқибатида дунёнинг кўплаб давлатларида кузатилаётган сув танқислиги таъсири уммонлардан олисда жойлашган минтақамизда яққол сезилмоқда. Айниқса, бу йил мамлакатимизда киш нисбатан қуруқ келгани, ёғингарчилик кам бўлгани вазиятни мураккаблаштираётгани бор гап. Бу эса сугор-ма деҳқончилик қилинадиган 4,3 миллион гектар май-донда мўлжалдаги ҳосилни етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун обиҳаётнинг ҳар қат-расидан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади.

Ҳўш, сув танқислигини юмшатиш учун қандай амалий чора-тадбирлар кўриляпти? Иқтисодийёт тармоқлари, хусусан, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари-нинг жорий мавсумда сувга бўлган эҳтиёжи қай тарз-да қондирилади? Тақсимоатда адолат тамойиллари-нинг устуворлиги таъминланаяптими? Умуман, мавсум-ни беталафот ўтказиш учун нималар қилмоқ керак?

Долзарб мавзу

— **Айтинг-чи, сув ҳўжалигидаги бугунги реал аҳвол қандай? Мавжуд экин майдонлари, қола-верса, гағдалан бўшайдиган ер-ларнинг 680 минг гектарида жой-лаштириладиган такрорий экин-ларни керакли миқдорда сугориш имконияти мавжудми?**

— Аввало, шуни айтиш керакки, сув танқислиги фақат Ўзбекистонда эмас, бутун сайёрамизда кузатилаётган эко-логик муаммолардан бири ҳисоблана-ди. Иқлим ўзгариши, ялпи исиш оқиб-атида сувга талаб ошгани сайин унинг манбалари тобора камайиб кетаётгани масаланинг нечоғли долзарб тус олг-анини кўрсатиб турибди. Айтиллик, янги аср бошларида қадар кам сувли мавсум ҳар 6 — 8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охири пайтларда бундай ҳолат 2 баробар тезлашиб, ҳар 3-4 йилда та-коррланаяпти. Бу йил шундай мураккаб, яъни нафақат сув ҳўжалиғи объектла-рини ишлашти ҳамда уларни бошқариш-да фаолият юритаётган 43 минг нафар раҳбар-ходимлар ва мутахассислар, балки ризқ-рўзимиз бўёндкорлари бўлган мингалар омилкор фермерлар учун ҳам синовдир.

Аммо ортиқча хавотирга ўрин бўлмас-лиги керак. Чўнки бу масала ўрганилиб, тегishли чора-тадбирлар кўрилмақда. Салбий оқибатларни юмшатиш бўйича тезкор чоралар олиб бориляпти. Адолатли сув тақсимотини йўлга қўйиш мақсадида 1100 дан ортиқ сувчилар штаблари тузилди. Сув таъминотида узилиш бўлмаслиги учун республика-мизда мавжуд 180 минг километр суго-риш тармоқлари, 800 дан ортиқ йирик гидротехника иншоотлари, 20 мингга яқин гидропост ҳамда сув тақсимлаш иншоотлари, умумий ҳажми 19,2 мил-лиард м³ бўлган 55 та сув омбори, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 миллиард кВт/соат бўлган 1668 та насос станцияси, 4069 та тик сугориш кудуги фаолияти самарадор-лиғи оширилмоқда.

Қолаверса, кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиғи диверсификация қилиниб, кўп сув ичадиган пахта ва шoли майдонла-

ри қисқартирилаёттир. Масалан, жорий мавсумда шoли экиладиган майдонлар 162 минг гектардан 94 минг гектарга камайтирилган бўлса-да, сув таъмино-тида муаммо сезилмаган Сирдарё ви-лоятида 7,5 минг гектар ерни Хоразм вилояти фермерларига, Жиззах вилоя-тида 5,5 минг гектар ерни Қорақалпо-ёистон фермерларига такрорий экин си-фатида шoли экиш учун бериш кўзда тутилган. Ўз навбатида, танқислик ку-тилаётган Қашқадарё, Самарқанд, Бў-хоро, Навоий вилоятлари ҳамда Қора-қалпоғистонда мош, ловия сингари су-вни кам талаб этадиган озуқабоп экин-лар экиш мўлжалланмоқда.

— **Табиат синовлариндан муваф-фақиятли ўтиш кўп жиҳатдан омилкорликка боғлиқ. Шу маъно-да, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сугоришда тежамкор усуллари кўллаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Сув ресурсларининг 80 фоизидан ортиғи қўшни давлатлар ҳудудида шак-ланадиган бизнинг шароитда сугориш-нинг тежамкор усуллари, илгор техно-логияларни изчил татбиқ қилиш ҳар доим ҳам долзарб саналади. Бугунги кунда ўқариқлар ўрнига эгилувчан плён-ка қувурларни ишлатиш, сугориш тех-нологиясини тупроқ остидан кўллаш, эгатларга плёнка тўшаб, ёғмирлатиб, томчиллатиб сугоришдан кенг фойдала-нилмақда. Вазирлар Маҳмазининг 2013 йил 21 июндаги “Томчиллатиб су-гориш тизимини ва суви тежайдиган бошқа сугориш технологияларини сама-рий этиш ва молиялаштиришни сама-рий ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, янги тех-нологияларни жорий қилган қишлоқ ҳўжалиғи корхоналари ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармиси маблаг-лари ҳисобидан имтиёзли кредитлар аж-ратилаётгани, солиқ имтиёзлари татбиқ этилаётгани — буларнинг барчаси янги лойиҳалар ихросида рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Натижада ўтган даврда

Янги аср бошларига қадар кам сувли мавсум ҳар 6 — 8 йил-да бир марта ку-затилган бўлса, охириги пайтларда бундай ҳолат 2 баробар тезлашиб, ҳар 3-4 йилда тақоррланаяпти.

22,6 минг гектардан ортиқ майдонда томчиллатиб, 118 минг гектар майдонда эгилувчан қувурлар ёрдамда, 28 минг гектардан ортиқ майдонда эгатларга плёнка тўшаб сугориш усуллари жорий қилинди.

Кўплаб давлатларда оммалашган сугорилининг бу каби инновацион ечим-лари бу йилгидек сув танқис пайтда жуда асқатади. Масалан, томчиллатиб сугориш, аъънавий усуллarga қараганда, обиҳаёт сарфини 20 фоиз-дан 60 фоизгача тежайди. Бу меҳнат ҳамда моддий ресурсларни кам сарф-лаб, кўп ҳосил олишга замин яратади, деганидир.

Гап шундаки, мазкур усул самараси ўларoқ, сув ўсимликка шланглар орқа-ли етказиб берилгани тўғрйли тупроқ қотмайди. Шу боис гўза қатор орала-рини қайта-қайта культивация қилишга ҳоҳат қолмайди. Ўғит ҳам сув билан эритиб берилгани боис экинни озиклан-тириш учун техника қучига эҳтиёж сезилмайди. Мўҳими, эндиликда сугориш-нинг замонавий тизимларини кўллаш деҳқонларга ортиқча қийинчиликлар туғ-дирмайди. Чўнки бундан атиғи 5-6 йил муқаддам зарур ускуна ва жиҳозлар тўлиқ хориждан келтирилган бўлса, айни пайтда сув насоси, ховуз-тиндирчиқ, ўғитловчи мослама, қувур ҳамда шланг-

лар, хуллас, керакли жиҳозларнинг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Шу боис сув тежайдиган технологиялар қўлланган майдонлар йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўзида



15 минг гектарда томчиллатиб, 12 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб, 36 минг 350 гектарда кўма эгилувчан қувурлар орқали сугориш жорий этилиши белги-ланган. Бундай лойиҳалар, биринчи навбатда, сув танқислиғи сезилаётган ҳудудларда амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

— **Сувдан мақсадли ва самара-ли фойдаланишда сугориш тармоқларининг ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демокчимизки, мавжуд гидротехника иншоот-ларини модернизациялаш ишлар-ининг бугунги аҳволи талаб даражасидими?**

— Дарҳақиқат, кафолатли сув таъми-нотини ташкил қилиш сугориш тармоқ-ларининг техник ҳолати қанчалик яхши-лигига боғлиқ. Шу боис йилгига ўртача 5 минг километр узунликда каналлар, 100 минг километрдан зиёд ички суго-риш тармоқлари, 10 мингга яқин гид-ротехника иншоотлари, 3 мингга насос агрегати, сугориш кудуқларида таъмир-лаш-тиклаш ишлари олиб борилмақда. Сўнгги 15 йил давомида эса 1,5 минг километрдан ортиқ каналлар, 211 кило-метр лоток тармоқлари, 400 та йирик гидротехника иншооти, 20 дан ортиқ на-сос станцияларида реконструкция ва

модернизация ишлари бажарилди. Бундай тадбирлар натижасида канал-ларнинг фойдали иш коэффциенти 20 фоизгача ошишига эришилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар бир истеъмол-чининг сув олиш жойлари ўлчов воси-талари билан жиҳозланиши, етказиб бе-рувчи билан истеъмолчи ўртасида аж-ратилган лимит доирасида тузилган шартнома юритилиши ҳамда унинг ихроси таъминланиши сувдан фой-даланиш самарадорлигини сези-ларли даражада оширди. Буни мамлакатимизда умумий сув истеъмоли ҳажми истиқлол-дан аввалги йилдагига нис-батан 20 фоиз камайгани мисолида ҳам кўриш мум-кин. Шунингдек, илгари бир гектар сугорилади-ган майдонда деҳқончи-лик қилиш учун 18 минг куб метр сув сарflan-ган бўлса, бугунги кун-га келиб, бу кўрсаткич 10,5 минг куб метрни ташкил этапти. Бу 42 фоиздан кўпроқ обиҳаёт иқтисод қилинаётганидан далолатдир.

— **Турган гапки, модернизациялаш ишлар-и катта маблағ талаб этади. Бундай лойиҳалар-ни молиялаштириш учун чет эл инвестициялари ҳам жалб қилиняптими?**

— Албатта, истиқболли лойиҳалар-ни амалга ошириш учун ички ресурслардан ташқари, чет эл инвестиция-ларини жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Кувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молия институтлари, шунингдек, Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлат-ларнинг Халқаро ҳамкорлик ташкилот-лари ҳамда агентликлари каби донор-лар билан мустақкам алоқалар ўрнатил-гани бунда кўл келаяпти. Натижада сўнгги 10 йил мобайнида соҳага умумий қийматга қарийб 1,5 миллиард АҚШ дол-ларига тенг бўлган инвестиция маблаг-лари жалб қилинди.

Жумладан, Ислам тараққиёт банки билан имзоланган келишувга асосан, Хоразм вилоятидаги “Тошсоқ тизими-ни реконструкция қилиш”, Осиё тараққиёт банки маблаглари ҳисобидан “Аму-Бўхоро машина каналини рекон-струкция қилиш” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб эса Жаҳон банки иштирокидаги “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси ҳамда Ислам тараққиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбoғ-Оққапчиғай каналлар тизими-ни реконструкция қилиш)” лойиҳаси ихросига киришди.

Аҳамиятлиси, мазкур лойиҳалар рес-публикамизнинг барча ҳудудини қамраб олиб, сувдан фойдаланиш самарадор-

лигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ҳўжалиғи иншоот-ларини модернизациялаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

— **Маълумки, яқинда сув ҳўжа-лиғи тизимини тубдан ислоҳ этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқлан-ди. Ушбу ҳужжат сув танқислиги-ни бартараф қилишда қандай роль ўйнайди?**

— Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекис-тон Республикаси сув ҳўжалиғи иншоот-ларини фаолиятини ташкил этиш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарорига бино-ан, мамлакатимиз сув ҳўжалиғи тизи-мининг келгусидаги вазифалари, соҳа-нини ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишлар аниқ белгилаб берилди. Мазкур қарор билан сув ҳўжалиғи тизи-мини тубдан ислоҳ қилиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда дастлабки йилнинг ўзида жами 40 дан ортиқ тад-бирларни амалга ошириш кўзда тутил-ган. Сув ва сувдан фойдаланишга доир қонун ҳамда меъёрий ҳўжатларни та-комиллаштириш, суви тежайдиган тех-нологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш ва уни рағбатлантириш, сувдан фойдаланишни режалаштириш, суви бошқариш ҳамда унинг ҳисоб-ки-тобини юритиш тизимини мукаммаллаш-тириш, сугориладиган майдонларнинг сув таъминотини ошириш мақсадида янги сув омборларни ва бошқа йирик гидротехника иншоотларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш каби муҳим вазифалар ана шу-лар жумласидан.

Дарвоқе, сув омборлари ҳақида гап кетганда, ушбу жаҳадаги янги йўналиш — юртимизда сел сувларини тўплаб, деҳқончиликда фойдаланиш мақсадида 20 га яқин сел сув омборлари бунёд этилиши кўзда тутилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу нафақат тақатлотларнинг олдини олиш, балки бу йилгидек об-ҳаво шароитида сув тақчиллигини юмшатишда кўл келади.

Умуман олганда, “Йўл харитаси” 10 та асосий бўлимдан иборат бўлиб, у мазмун-моҳиятига кўра, сув ҳўжалиғини тубдан ислоҳ қилиш орқали ҳар хил об-ҳаво, хусусан, кутилмаган экстремал шароитда ҳам республикамиз иқтисо-дийети тармоқлари эҳтиёжига яраша сув заҳирасини яратиш, деҳқон, фермер ва томорқачиларга керакли пайтда етарли миқдорда обиҳаёт етказиб беришдек эзгу мақсадга эришишга қаратилган. Зотан, сув — тириклик манбаи. Усиэ Ер юзидан на бир гиёҳ битади, на инсон жон сақлай олади. У бор жойда ҳаёт бардавом бўлиб, фаровонлик, тинчлик-осойишталик ҳўкм суради. Бу бебаҳо неъматни қадрлаган, исрофига йўл қўймаган, тежаб-тергаб фойдаланган халқ эса ҳеч қачон унда зорикмайди.

Мамлакатимиз сув ҳўжалиғидаги бу-гунги ҳаётий ислохотларда сув танқисли-гини бартараф этиш, вазиятни юмшатиш бўйича қўрилаётган амалий чора-тадбирлар жорий йилги қишлоқ ҳўжа-лиғи мавсумини ҳам кўнглингдадиқек ўтка-зиш, барча экиндан мўл ҳосил олишга мустақкам пойдевор яратади, албатта.

«Халқ сўзи» муҳбири Саид РАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди

“Ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларда тадбиркорлик, илмий-иждодий ва интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга кўмаклашиш” мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларда китобхонлик кўникмаси-ни шакллантириш, уюшмаган ёшлар ўртасида “Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор”, “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловларини ташкил этиш;
2. Уюшмаган ёшларни, ноқонуний меҳнат мигрантлариги натижасида хори-жий давлатлардан депортация қилинган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг интеллектуал салоҳият-ларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлашини, кашфёфчи-лик, рационализиаторлик гоғялар ва ноу-хауларини ишлаб чиқишга йўналтириш;
4. Маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар-нинг қизиқишлари, орзу ва истаклари-ни ҳисобга олган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга шарт-шароит яратиш, турли тўғарақлар, спорт жамоаларини шакллантириш;
5. Ёшларнинг аэрокосмик, аэродина-мик соҳалардаги билимларини юксал-тиришга кўмаклашиш, уларда интернет, ахборот-коммуникация технологиялари-дан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш;
6. Ёшларда, айниқса, уюшмаган, тарбияси огир бўлган ёшларда гоғявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий имунитетни кучайтириш, уларни жамиятдаги интеграциясига маънавий психологик кўмаклашиш;
7. Ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, оиланинг муқаддас

кадриятларини уларнинг тафаккурига сингдиришининг инновацион (маънавий, психологик ва бошқалар) усуллари-ни амалга ошириш;

8. Ёшларда фуқаролик бурч ва масъулятини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, давлат ва жамият қуриш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тўғриси-да хабардорлигини ошириб бориш;

9. Маданият, адабиёт, санъат ва аниқ фанлар соҳаларида ёш авлодининг иждодий фаолиятини рўёбга чиқариш имкониятини яратишга кўмаклашиш, уюшмаган ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун муносиб шарт-шарои-тлар яратиш;

10. “Гоға қарши гоға, жаҳолатга қарши маърифат билан” шиори остида маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жомоатчилик назоратини юксалтириш;

11. Уюшмаган ва тарбияси муаммо-ли ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида “Мен Ватанимни сева-ман”, “Жамиятда меннинг ўрним бор” мавзуида туркум тадбирлар ўтказиш;

12. Маданият ва спорт муассасала-ри билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спортй ўйинларини оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;

13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқла-

ри, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувват-лашда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш.

Давлат гранти ажратилиши учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқлан-ган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўндирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиғи тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жомоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 7 июндан 13 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузу-ридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди

“Аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тиббий маданиятини оширишда, ижтимоий тадбиркорлик, туризмнинг инновацион турларини жорий этишда ННТлар фаоллигини кучайтириш” мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Давлат органлари билан ижтимо-ий шериклик асосида ҳудудларда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш-нинг инновацион технологияларини жорий қилишни кучайтириш;
2. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронлиғи бўлган шахсларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ ҳунармандчи-лиғи тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбир-корликнинг турли шаклларига жалб қилишга кўмаклашиш;
3. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғриси-да аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;
4. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;
5. “Маънавият оиладан бошланади” шиори остида хотин-қизлар саломат-лигини яхшилашга қаратилган оилавий қадриятларни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;
6. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролини кучайтириш;
7. Ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, имконияти чекланган болалар муаммолари бўйича ижтимоий реклама, махсус телеқўрсатув, радио-эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш, эфирга узатиш, чоп этиш;

8. Аҳоли, авваламбор, ёшларнинг ду-нёқарашини кенгайтириш, улар ўртасида маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашни шакллантиришга кўмаклашиш;

9. Давлат органлари билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш-га, аҳолининг маиший яшаш шароитла-рини яхшилашга кўмаклашиш;

10. Чикиндиларга иккиламчи ишлов бериш жараёнини янада кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма объектларида замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларини қўллашга кўмаклашиш;

11. Жамиятнинг маънавий асослари-ни янада ривожлантиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга кўма-клашиш, азалий миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда юксак маъна-вият ва соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш;

12. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш ва ошириш, тўғри овқатланиш, камқонлик ва гигиена соҳасида қизларнинг тиббий мадания-тини юксалтириш;

13. Ёш авлодни маънавий тарбиялаш даражасини ошириш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш;

14. Ёш авлодни тарбиялаш жараёни-да таълим муассасаларининг оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорли-гини кучайтириш, уларда эстетик дид, ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий меросини, бой тарихини,

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлар-ини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ЙИРИК ЛОЙИҲА



банк кўмагида муваффақиятли амалга оширилди

Яқинда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида тиббий кўлқоплар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Gold Grown Pharma" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. У "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки молиявий кўмагида фармацевтика саноатида амалга оширилган йирик лойиҳалардан биридир.



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган дори-дармон ва тиббиёт воситалари тури кўпайиб, сифати тобора яхшиланмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ҳамда 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бунда муҳим омил бўляпти.

"Gold Grown Pharma" МЧЖга ҳам мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида асос

қўшимча равишда ажратилган 1 миллиард 800 миллион сўмлик кредитдан унумли фойдаланиб, хом ашё сотиб олди.

— Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли,

хавфсиз ҳамда арзон дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият қаратил-япти, — дейди жамият раҳбари Рустам Хайдаров. — Бу соҳада, айниқса, тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар берилётгани уларни ташаббус кўрсатиш, янги лойиҳаларни амалга оширишга ундамоқда. Бизнинг корхонамиз фаолият бошлаши билан 120 та иш ўрни яратилиб, тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўналиши битирувчилари доимий иш билан таъминланди.

Хозирги пайтда корхона тўла қувват билан ишламоқда. Бу ерда йилга 30 миллион жуфт ёки 54 миллиард сўмлик тиббий кўлқоп ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Тайёрланган маҳсулотлар нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Адабиёт элларни бирлаштиради

Рус халқининг буюк шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 219 йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

Хусусан, пойтахтимизнинг шоир хайкали ўрнатилган сўлим тўшасида турли ва-зирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўми-таси раиси Р. Қурбонов, Ёзувчилар уюшмаси раиси-

нинг биринчи ўринбосари М. Хожиматов, Россия Фе-дерациясининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мух-тор элчиси В. Торденев, Рус миллий маданият маркази раҳбари А. Аристов ҳамда бошқалар халқларимиз ўрта-сидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда адабий алоқалар алоҳида ўрин ту-тишини таъкидлади.

Анжуманда шоир хайкали пойига гуллар қўйилиб, ўлмас ижодидан намуналар ўқилди.

Муҳаммаджон АХМАДЖОНОВ.

Дунёга машхур академик Қашқадарёда

Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари нейрохирурглари замонавий тиббиётнинг илгор ютуқлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Гап шундаки, яқинда Жаҳон нейрохирурглар жамиятлари федерацияси вице-президенти, тиббиёт фанлари доктори, академик Евгений Педаченко Қарши шаҳрида илмий-амалий ўқув-семинар ўтказди.

— Ўзбек шифокорлари билим ва маҳорат бобида бировдан кам эмасликлари-га улар бизнинг Украина

тиббиёт фанлари академия-сининг А. Ромоданов номи-даги нейрохирургия инсти-тутида малака оширишгани-да ишонч ҳосил қилгандим, — дейди у. — Соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорли-гимизни янада кенгайтириш-ни мўлжаллаганмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мирзачўлда Сингапур кластери

Кимё саноати соҳасида Осиёдаги етакчи корхона-лардан бири саналадиган "Индорама" (Сингапур) холдинг компанияси бир марталиқ синтетик кўлқоп ишлаб чиқариш бўйича дунёда ягонадир.

Яқинда мазкур компания вакиллари Сирдарё вилояти-да янги лойиҳага қўл уришди.

Хусусан, дастлабки кели-шувга кўра, Сирдарё вило-тининг Оқолтин ва Сардоба туманларидан 30 минг гек-тар ер сингапурлик инвес-

торларга кластер корхона ташкил қилиш учун ажрати-лиши кутилмоқда. Ушбу лойиҳага 55 миллион АҚШ доллари миқдоридида тўғри-дан-тўғри инвестиция киритилиши кўзда тутилган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

РЕКЛАМА УРНИДА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Avto Komplekt Group» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, С. Алимова кўчаси, 24-ўйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма (самосвал), давлат рақами 01/381 ODA бўлган, «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма, давлат рақами 01/382 ODA бўлган, «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма, давлат рақами 01/384 ODA бўлган, «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма, давлат рақами 01/385 ODA бўлган, «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма, давлат рақами 01/386 ODA бўлган, «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 25 тоннали (18 м³), техник соз ағдарма, давлат рақами 01/825 YDA бўлган, янги «Foton» русумли.

Бошланғич баҳоси — 750 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 4 тоннали, бортли, давлат рақами 01/696 EEA бўлган, янги «Foton BJ1049» русумли.

Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 11 ўринли, янги «Brilliance» русумли микроавтобус.

Бошланғич баҳоси — 96 000 000 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, 3 тоннали, бортли, янги «King Long» русумли.

Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий Амалиёт бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 5-уй, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий Амалиёт бўлимида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/751 JFA бўлган, «Nexia DOHC» русумли.

Бошланғич баҳоси — 41 923 000 сўм.

- 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/749 JFA бўлган, «Nexia DOHC» русумли.

Бошланғич баҳоси — 43 932 000 сўм.

- 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/752 JFA бўлган, «Nexia DOHC» русумли.

Бошланғич баҳоси — 48 245 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 6 июль кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

(соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 4 июль кунин соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

«Zamin Eko Agro» корхонаси ғалладан бўшаган майдонларга экин учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхоси мажмажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини таклиф қилади:

Мажмажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синодан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экин...

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш., М-39 автомагистрალი,
тел.: (+99897) 130-51-21, 755-02-55,
факс: (+99871) 150-15-89.
www.zea.uz

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР» «САЛЕО» «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва ҳашак ўришга мўлжалланган ичхам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокултиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокултиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71.

www.motoblok.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълоҳона (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғева томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Ашурова.

Набатчи — Д. Улугмуродов.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6